

Устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид Денов туманидаги янги қурилаётган масжидга ташриф буюрдилар



10:40 / 06.06.2022 1064

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом ноиби, Қуръон ходими, устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид Денов туманида янги қурилаётган «Денов» марказий жомеъ масжидига ташриф буюрдилар. Ташриф давомида устоз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ўзларининг керакли тавсияларини бериб, ушбу масжидни Аллоҳ таоло ҳудуд аҳли ва бутун халқимизга баракали қилишини, жомеъ қиёматга қадар ибодат, зикр ва илм маскани бўлиши, бундай хайрли ишга ҳисса қўшган барчага ажру савобини кўпайтириб беришини, бу масжидни тезроқ битишини Ҳақ таолодан сўраб дуо қилдилар.

Янги қурилаётган жомеъ масжидни халқимизга Ҳақ таборака ва таоло муборак айласин!